



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№11 (964)

2026 йил 27 февраль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Қўшимча қурилиш
учун рухсатнома
олиш тартибини
биласизми?



3

Қадим Сурхон замонавий қиёфага кирмоқда

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига кейинги йиллардаги ташрифи воҳага кут-барака, меҳнаткаш халқига куч-қувват, меҳр-шижоат, бепоён заминга файз, ерости ва ер усти бойликларига илҳомбахш изланиш улашмоқда. Юз бераётган янгиланишлар юртни янада обод қилиб, барча тармоқларни тубдан ўзгартираётди. Ташрифдан ташрифтача бўлган даврда содир бўлаётган янгиланишлар ёшу кексанинг фахр-ифтихор туйғусини, чехрасида қувонч ва шукроналик ҳиссини кучайтирмоқда.

Президентимиз 2023 йил 16-17 ноябрдаги сафари чоғида вилоятда ярқисиб ҳолга келиб қолган автомобиль йўлида енгил машина бошқариб, янги тайинланган ҳокимга берган топшириқларни белгиланган бошқа вазифалар ҳамон давраларда ёдга олиниб, ҳудудларда қад ростлаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари, кўп қаватли тураржой бинолари, воҳа йўлларида амалга оширилаётган йирик бунёдкорлик ишлари самимий гурунгланишнинг бош мавзусига айлангани ҳам бунга яққол далилдир. Бу суҳбатларда "Дарбанд-Денов" йўналишидаги ўнқир-чўнқир бўлиб қолган 4Р105 автомагистралда бунёд этилаётган кенг, равон цемент-бетон қопламали замонавий йўл аждодлар орзусини рўйга чиқараётгани ифтихор билан тилга олинди. "4Р105 Дарбанд-Бойсун-Элбаён" ва "4Р100 Манғузсар-Жарқўрғон-Бандихон-Олтинсой-Денов" автомобиль йўли ҳамда маҳаллаларнинг ички йўлларида бажарилаётган бунёдкорлик ишлари йўловчиларнинг мушкулларини осон, узогини яқин қилаётгани, янги ишлаб чиқариш қувватлари аҳоли бандлигини таъминлашда, янги турар жой бинолари одамларнинг уй-жой масаласини ҳал этишда муҳим омил бўлаётгани хусусида фикр алмашилади.

Шу пайтгача борига қаноат, йўғига сабр қилиб яшаган воҳанинг мард, танги, фидойи одамлари вилоятда сўнгги йилларда юз бераётган янгиланишлардан фахр-ифтихор ҳиссини туйётганида чуқур маъно бор.

2



▲ Сурхондарёда бунёдкорлик ишлари авжида.



▶ Фарғона вилоятида маҳалла марказларининг замонавий қиёфада шакллантириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонга мос маҳалла марказлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ-298-сонли қарори ижросини таъминлаш доирасида Фарғона вилоятида маҳалла марказларини замонавий қиёфада шакллантириш, уларни аҳоли учун қулай ва иқтисодий фаол нуқталарга айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Сардорхон СОДИҚҲОНОВ,
Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Ушбу қарорга мувофиқ, ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар тақлифлари асосида маҳалла марказлари учун замонавий мастер режалар ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгиланган. Мазкур ташаббус "Янги Ўзбекистон" гоёси доирасида қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари ўртасидаги фарқни камайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган. Шу мақсадда вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳарда маҳалла марказларни назарда тутилган. Бўйича дастлабки эскиз мастер режалар тайёрланиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда.

Замонавий марказлар – ҳудуд ривожининг янги нуқталари

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитекторлари, "Қишлоққурилишлойиҳа" ДМ мутахассислари ва худудий ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилаётган мастер режаларда маҳалла марказларини кўп функцияли ҳудуд сифатида шакллантириш назарда тутилган. Мутахассислар томонидан марказлар жойлашувини белгилашда транспорт йўлига яқинлик, аҳоли зичлиги, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда келгусида кенгай-

Ушбу марказларда:

- савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари;
- кичик ишлаб чиқариш ва хунармандчилик майдонлари;
- жамоат хизматлари бинолари;
- кўп қаватли турар жойлар;
- маданий ва дам олиш ҳудудлари;
- замонавий муҳандислик-коммуникация тармоқлари жойлаштирилиши режалаштирилмоқда. Бу эса, маҳаллаларда аҳолига қулай инфратузилма яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва ҳудудларнинг меъморий қиёфасини янгилашга хизмат қилади.



тириш имкониятлари каби омиллар ҳисобга олинмоқда. Айниқса, йирик автомобиль йўллари бўйлаб ёки чегара ҳудудларига яқин жойларда бундай марказларни ташкил этиш орқали савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2

Зиёратгоҳ обод бўляпти

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи тарихий масканлардан бири ҳисобланиб, неча асрларни Самарқанд қадриятларини қарор топтирувчи диний-маърифий идораларидан бири ҳисобланади. Самарқандлик бунёдкорлар зиёратгоҳнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш ҳаракатида таъмирлаш ишларини амалга ошириш жараёнига қатъий эътибор қаратишади.

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


Айни пайтда бу ерда олиб борилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларида масаланинг ана шу жиҳати тегишли мутахассисларнинг диққат марказида. Бу эса, диний-маърифий масканнинг туризм салоҳиятини оширибгина қолмай, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларининг кенг миқёсда олиб борилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Хозирги пайтда зиёратгоҳнинг ҳар қадами улкан қурилиш майдонини эслатади. Таъмирлаш ишлари мобайнида кўплаб манзарали ноёб ва нодир дарахт ҳамда гул кўчатлари экилгани ҳам ҳудуд кўркига кўрк қўшмоқда. Бу жараёнда айниқса, мавжуд инфратузилма – замонавий ёриш, ирригация тизимини яхшилаш, миллий меъморчилик алоҳида аҳамият бериляпти.

– Таъмирлаш ишларини амалга ошириш жараёнида тўлиқ миллий хунармандчилик руҳи намоён бўлмоқда, – деди "Маданий мерос ЛИТИ" МЧЖ таъсисчиси Жаҳонгир Раҳмонов. – Бунинг сабаби, зиёратгоҳнинг қадриятларини мизга доимий равишда хизмат қилиб келаётгани, унинг ҳар қадамида миллийлигимизнинг уфуриб турганидир. Айни пайтда зиёратгоҳда бизнинг лойиҳамиз асосида "SXF Construction Group" МЧЖ бунёдкорлари қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишмоқда.

Малумки, қай бир зиёратгоҳда зиёратчилар учун зарур қулайликлар яратилса, уша жойдан маҳаллий аҳолининг ва меҳмонларнинг қадами узилмайди. Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳида ҳам шундай. Бу ердаги ҳудуд қиёфаси ҳар қандай ташриф буюрувчини лол қолдиради. Тартиб билан барпо этилган йўлақлар, дарахтзор гулзорлар, суғорилиш тармоқлари ҳам зиёратчиларга кўтаринки кайфият улашади.

2



▲ Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Ташрифдан ташрифгача

Қадим Сурхон замонавий қиёфага кирмоқда

▼ Сурхондарё вилоятида замонавий турар жойлар барпо этилмоқда.



▼ "Тупаланг" сув омборида иш жараёни.



1 Эро, мустақилликнинг дастлабки чорак асрида юксалишга даярли юз тутмаган вилоят кейинги қисқа йилларда янги қиёфага буй кўрсатди. Нафақат воҳа қиёфасини, балки одамлар ҳаётини ўзгартираётган бундай улғу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Президентимиз давлат раҳбари лавозимига киришган илк йилдан Сурхондарёга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ҳар бир ташрифи чоғида аниқ мақсадга йўналтирилган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, воҳанинг ерусти ва ерости бойликларини шу ернинг ўзида қайта ишлаш йўлга қўйилаётган. Йўлларни реконструкция қилиши, хизматлар кўрсатишни юксалтириши, таълим-тиббиёт соҳаларини ривожлантириши, уй-жойлар барпо этиши, аҳолининг бандлик масаласини ечиб, даромадини ошириш юзасидан муҳим топшириқлар берилмоқда.

Бугун жанубда қурилаётган йирик саннат корхоналари, кўп қаватли кўркам уй-жой ва зарур замонавий инфратузилмага эга "Янги Ўзбекистон" массивлари, кенг, раван йўллар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари, тиббиёт, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмапти. Буларнинг барчаси ижтимоий халқларар давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ва катта сармоя эвазига барпо этилмоқда.

Президентимизнинг воҳага сўнгги ташрифи чоғида ҳам 118 банддан иборат муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Барча соҳа ва тармоқлар қамраб олинган бу топшириқлар негизда инсон қадрини улуғлашдек эзгу гою муҳассам. Жумладан, вилоятда ерости сувлари чўчиб, шурлангани йиллар давомида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни долзарб масалалардан бирига айлантирган эди. Давлатимиз раҳбари гоёси билан бу муаммонинг ечимини топилиб, "Тупаланг" сув омбори сувидан фойдаланиш лойиҳаси қурилиши бошланди. Утган ташриф чоғида мегалойиҳада қурилиши ишларини янада тезлаштириш, босқичма-босқич ишга тушириш, аҳолини минералларга бой ичимлик суви билан таъминлаш топшириғи берилган, киска вақтда вилоятнинг унга тумани ва Термиз шаҳрига "Тупаланг" сув омборининг зило суви етиб келди. 144 та маҳаллада яшайдиган аҳолининг ичимлик суви таъминоти тубдан ўзгарди. Сифати оширилиб, қаттиқлик даражасини икки бараваргача камайтирди. Истеъмолчиларни марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ўтган йил бошидаги 65,3 фоиздан 67,5 фоизга етди. Жорий йилда мегалойиҳа тўлиқ ишга тушган, вилоятда 1 миллион 700 минг истеъмолчи минералларга бой сувдан баҳраманд бўла бошлайди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Афғонистон чегарасида қурилаётган минтақамизда муқобили йўқ "Термиз халқаро савдо маркази" эркин савдо зонасини тўлақонли ишга тушириш вазифаси ҳам топширилган эди. Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами арафасида фойдаланишга қабул қилинган савдо зонаси ўзбек-афғон халқларининг дўстлик қошонасига, турли давлатларнинг халқаро мулоқот майдони ва йирик савдо-сотиқ марказига айланди. Утган даврда Афғонистон орқали 900 мингга, Ўзбекистон тарафдан 500 мингга яқин хорিজлик ва маҳаллий аҳоли эркин савдо зонасига кириб, халқаро марказ билан танишди, хизматларидан фойдаланди. Нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этди.

Термиз туманида "Сурхон сендвич" масъулияти чекланган жамиятининг базальт ишлаб чиқариш лойиҳаси, Қумқўрғон туманида "Қумтех инвест" масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик, Бандихон туманида "Бандихон агрокластер" масъулияти чекланган жамиятининг сунъий ва пахта толаси аралаш-

масидан ип-калава ишлаб чиқариш фабрикалари сингари янги-янги замонавий саннат корхоналари иш бошлади. Модернизация қилинган Шаргун, янги ўзлаштирилган Олтинсой кўмир конлари, "Хўжайкон" қонида калий ўғити каби ерости бойликларидан самарали фойдаланиш жорий этилди. Чорак аср йўловчиларга хизмат кўрсатмай қолган Саросиё аэропорти қайта тикланиб, мамлакатимиз пойтахтига парвозлар йўлга қўйилди.

Туризмни ривожлантиришга қаратилган эътибор вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қулай муҳит яратди. Соҳа юксалишга юз тутди. Биргина утган йили 2 миллион 800 минг ички ва 850 мингдан ортиқ хорижлик турист вилоятда бўлиб, муқаддас тарихий обидаларини зиёрат қилди. Археологик ёдгорликлар билан танишди. Тиббиёт, гастрономик, агро, экотуристик масканларида бўлди. Сангардак, Омонхона, Хўжайкон, Хўжайпоқ, Хўжамайхона каби сўлим гўшаларда худудларнинг гўзал табиат манзараларидан баҳра олди. Турист хизматлар экспорти 150 миллион долларга етди.

Утган ташриф чоғида Термиз шаҳар аҳолиси азият чекиб келадиган "Афғон шамоли", дея аталувчи чанг бўронлари таъсирини юмшатиш

йўллари белгилаб берилгани ҳам сурхондарёликларнинг шукроналик туйғусини мустаҳкамламоқда. Шунга мувофиқ қўшни давлат чегарасининг шамол йўналиши бўйлаб "Яшил белбоғ" химоя ўрмонзорлари барпо этилаётгани эътиборга сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг ўзида Ангор туманида таълаб олинган 220 гектар ер майдонида, Қорақир маҳалласида маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлининг икки томони бўйлаб, адирлик худудидидаги 100 гектар ерда иқлим ва тупроқ шароитларига мос мева-ли-манзарали дароҳт кўччалари экилиб, томчилатиб сугоришга мослашган янги ўрмонзор ташкил этилмоқда. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган бундай хайрли юмушлар теварак-атроф мусофоллигини сақлашга хизмат қилиб, худудларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Масалан, сунъий йўлдош мониторинглари ва очик манбалар таҳлилига кўра, сўнгги йилларда вилоят марказида янги экологик ўзгаришлар кузатилаётган. Шаҳар атрофида "яшил белбоғ"ларнинг яратилиши чангли бўронлар миқдорини сезиларли даражада камайтирмоқда. Воҳада 2010 йил шамол тезлиги 15 метр/секунд ва ундан юқори бўлган кунлар 42, 2020



▲ Термиз шаҳридаги туну кун ишловчи Ешлар ва туризм кўчаси.



▲ Термиз шаҳридаги 26-сонли мактаб.

Янги Ўзбекистонга мос маҳалла марказлари

1 Жамоатчилик иштирокида муҳокама

Тайёрланган дастлабки эскиз мастер режалар худудларда туман ва шаҳар ҳокимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тadbиркорлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинмоқда. Бу жараён лойиҳаларни аҳоли эҳтиёжларига мослаштириш, тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олиш ҳамда амалий самарадорлигини ошириш имконини берапти.

Муҳокамалар давомида инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий объектлар жойлашуви, яшил худудларни кўпайтириш, автотураргоҳлар ташкил этиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш каби масалалар буйича қатор тақлифлар билдирилмоқда. Ушбу тақлифлар асосида мастер режалар янада такомиллаштирилиб, босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, маҳалла марказларини комплекс ривожлантириш орқали нафақат қурилиш ва архитектура соҳаси, балки савдо, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва туризм соҳалари ҳам янги босқичга кўтарилди. Бу эса, худудларнинг иқтисодий салоҳиятини

ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Маҳалла марказлари учун ишлаб чиқилаётган мастер режаларнинг асосий мақсади нима? деган саволимизга Фарғона вилояти бош архитектори Фаҳриддин Абдулатипов қуйидагича жавоб берди:

– Асосий мақсад – маҳаллаларни замонавий ва қулай инфратузилмага эга худудларга айлантириш. Бу орқали аҳолига зарур хизматларни бир нуқтада тақдим этиш, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва худудларнинг архитектуравий қиёфасини яхшилаш кўзда тутилган. Маҳалла марказлари аҳоли учун ижтимоий ва иқтисодий фаоллик нуқтасига айланиши лозим. Лойиҳаларни ишлаб чиқишда биринчи навбатда, ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмоқда. Аҳоли зичлиги, транспорт имкониятлари, ер ресурслари ва мавжуд инфратузилма таҳлил қилинган ҳолда лойиҳалар яратилляпти. Шу билан бирга, миллий меъморчилик аънаналари ва замонавий архитектура ечимларини уйғунлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жамоатчилик муҳокамалари ҳам муҳим жараён ҳисобланади. Чунки ҳар бир маҳалла аҳолиси ўз худудидида қандай объектлар бўлишини, қандай хизматларга эҳтиёж борлигини яхши билади. Муҳокамалар орқали аҳоли ва тadbиркорларнинг тақлифлари инобатга олиниб, лойиҳалар янада ҳаётини ва амалий аҳамият касб этмоқда. Маҳалла марказларининг барпо этилиши билан янги иш ўринлари яратилади, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайтирилади, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси яхшиланади. Энг муҳими, аҳолига қулай яшаш муҳити шаклланади. Бу эса, "Янги Ўзбекистон" концепциясига мос равишда худудларни комплекс ривожлантиришга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, маҳалла марказлари учун ишлаб чиқилаётган мастер режалар худудларнинг келгуси ривожланишида муҳим ўрин тутган. Ушбу ташаббуслар аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш, иқтисодий фаолликни ошириш ва худудларнинг архитектуравий қиёфасини замонавийлаштиришга хизмат қилиб, Фарғона вилоятида янги босқичдаги шаҳарсозлик жараёнларини таъминлайди.

▼ Маҳалла марказлари учун ишлаб чиқилаётган мастер режалар муҳокамаси.



Зиёратгоҳ обод бўляпти

▼ Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи.



1 Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳининг аҳамиятли томони шундаки, ўрта асрларнинг кейинги даврида юртимиз Моваруннаҳрда Нақшбандия тариқатининг Дахбедий муршилар бошқарган силсиласи сулуқлари устувор ўринни эгаллаган. Бу тариқатнинг асосий намобандаси, олим Сайид Аҳмад Косоний (Маҳдуми Аъзам Дахбедий) бўлиб, Ўрта Осиёда ўз даврининг пешвоси ҳисобланган.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи ёнгинасидан Самарқанд-Бухоро автомагистраль йўлининг ўтгани ҳам зиёратчиларга бир қатор қулайликлар яратади. Аммо шу билан бир қаторда бирмунча муаммолари ҳам бор. Уларнинг асосийси, катта кўчанинг серкатновлигидан йўлни кесиб ўтишда мураккаблиқлар юзага келаятганда. Бунёдкорлар яқинда ана шу муаммога ҳам ечим топишди.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида ана шу серкатнов йўлда ер ости йўли қуриладиган бўлди. Бу ҳақда "Ўзйўлкластер" давлат муассасаси Самарқанд филиали директори Аҳад Уроқов шундай деди: – "Ўзйўлкластер" институтининг лойиҳаси асосида "Ўзавтйўл" давлат қўмитаси қoшидаги "Умумфойдаланувчи йўлларни қуриш ва таъмирлаш" давлат муассасаси маблагини билан ер ости йўли барпо этиляпти. Хозирда ишлар авжда. Зарур техника ва материаллар етарли. Ер ости йўлининг узунлиги 42 метрни, бандлиги 4 метрни, эни 2,5 метрни ташкил этади. Ер ости йўлида имконияти чекланганлар учун ҳам керакли шароитлар яратилади. Жумладан, унга махсус тушириб-чиқарувчи мослама ҳам ўрнатилади.

Қўшимча қурилиш учун рухсатнома олиш тартибини биласизми?

Кўпчилик уй, дўкон ёки кичик бизнес иншоотларини қуришни режалаштирганда, “Қаердан рухсат олиш керак?” деган саволга дуч келади. Қўшимча қурилиш деганда – юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларининг олдин қурилган бино ва иншоотлардан бўш қисмида уларга туташган ҳолда ва (ёки) алоҳида турадиган янги бино ва иншоотларнинг барпо этилиши тушунилади.



Нодирахон ОБИДОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2-иловадаги “Бино ва иншоотларнинг ихтисослаштирилиши ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари курсатишнинг маъмурий регламенти” орқали мазкур саволга жавоб топшимиз мумкин.

Яъни, янги бино қуриш, мавжуд бино ёки иншоотга қўшимча қуриш учун алоҳида рухсатнома олиш зарур. Бу рухсатнома шахарсозлик ва қурилиш меъёрларига риоя қилинишини таъминлайди. Рухсатнома – бу сизнинг ҳудудингизда бино ёки қўшимча иншоот қуришингизга расмий ҳуқуқ берувчи ҳужжат. У, бир томондан, сизнинг қурилиш ҳуқуқингизни тасдиқлайди, бошқа томондан эса, қурилиш хавфсиз ва қонуний бўлишини кафолатлайди. Капитал бинолар ва кўп квартиралар турар жойлар учун рухсатнома олиш мажбурий, енгил ва вақтинчалик иншоотлар эса баъзи ҳолларда рухсатномадан озод қилинади.

Қаердан олинади?

Рухсатнома олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиш имконияти мавжуд.

Рухсатнома – Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси (ваколатли орган) томонидан берилади.

Аризачи томонидан ариза келиб тушган вақтда автоматик тарзда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати туман (шаҳар) бўлиномалари ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлиmlари томонидан қўшимча бино ва иншоотлар қурилиш бўйича ҳулоса тақдим этиши юзасидан сўров юборилади. Мазкур тартибнинг асосий мақсади – қурилиш жараёнида шахарсозлик нормалари, санитария қоидалари ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлашдир.

Қандай биноларга рухсатнома шарт эмас?

Қонунийликка кўра, қуйидаги ҳолларда алоҳида рухсатнома олиш талаб этилмайди:

- бинонинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигига таъсир қилмайдиган, юк кўтарувчи конструкциялар ўзгармайдиган қайта режалаштириш ишлари (кўп квартиралар уй-жойлар бундан мустасно);
- енгил турдаги ёки вақтинчалик қурилмаларни ихтисослашувини ўзгартириш, қайта қуриш ёки ўз ҳудудида шундай қўшимча қурилмаларни барпо этиш.

Бу ҳолатларда қурилиш ишларининг хавфсизликка жиддий таъсирини йўқлиги инobatта олинади. Бироқ бино ва иншоотларнинг ихтисослашувини ўзгартириш, реконструкция қилиш ёки ҳудудда янги қўшимча бино қуриш тегишли рухсатномасиз амалга оширилиши қатъиян тақиқланади. Рухсатнома олиш хизма-

ти тўлов эвазига кўрсатилади. Тўловда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатта олинган шахслар, шунингдек, мулкдор бўлган I ва II гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари ва (ёки) ЯИДХП орқали давлат хизматларини кўрсатишда қонунийлик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади. Ваколатли орган инвоис бўйича тўлов келиб тушганидан сўнг 7 иш кунини ичида объект жойига чиқиб ўрғаниш ўтказиши. Натижага кўра: QR-код билан тасдиқланган рухсатнома берилади ёки аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда рад жавоби тақдим этилади.

Рад этувчи сабаблар

Ўз ҳудудидан қўшимча бино қуришни рад этиш учун асос бўладиган ҳолатлар:

- қурилишнинг амалдаги қонунийлик ҳужжатларига зидлиги;
- шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мос келмаслиги;
- санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлик.

Демак, асосий мезон – қурилишнинг хавфсизлик, экологик ва санитария талабларига мослиги ҳисобланади. Мазкур жиҳат шундаки, берилган рухсатнома қурилиш-монтаж ишларини дарҳол бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қурилишни бошлашдан аввал бир қатор мажбурий ташкилий ва ҳуқуқий босқичлар изчил равишда бажарилиши лозим. Аввало, архитектура-режалаштириш топшириги ишлаб чиқилади. Мазкур ҳужжат келажакда барпо этиладиган объектнинг жойлашуви, ҳажмий кўрсаткичлари, функционал вазифаси ва ҳудудий талабларга мувофиқлигини белгилаб беради. У қурилишнинг умумий концепциясини аниқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шундан сўнг, лойиҳа ташкилоти томонидан тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари тегишли қурилиш органлари билан келишилади. Агар қурилиш режалаштирилаётган бино икки қаватдан юқори бўлса (сокол қавати ҳисобга олинмайди), баландлиги ер сатҳидан 12 метрдан ошса ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлса, қўшимча тартиб-таомиллар қўлланади. Бундай ҳолларда объектнинг зилзилабардошлиги ва ёнгин хавфсизлиги бўйича экспертиза органларидан ижобий ҳулоса олиншини шарт.

Бундан ташқари, қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин объект қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекцияда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Қурилиш ишлари тўлиқ якунлангач ҳам жараён тугамайди. Бино фойдаланишга топширилишдан олдин кадастр паспорти расмийлаштирилади, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объект ваколатли комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади ва якунда унга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шу тариқа, рухсатнома олиш қурилиш жараёнининг фақат дастлабки босқичи бўлиб, ундан кейинги барча ҳуқуқий ва техник талабларга қатъий риоя этиш қурилишнинг қонунийлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Қўшимча бино ва иншоотлар қурилиши қатъий тартиб ва рухсатномалар асосида амалга оширилади. Рухсатнома олиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, объектни назорат органларида рўйхатдан ўтказиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қурилишнинг қонуний ва хавфсиз бўлишини таъминлайди. Рухсатномасиз қурилган бино ва иншоотлар ваколатли давлат органи томонидан аниқланганда бузилиши ёки олиб ташланиши мумкин. Шу сабабли, ҳар бир қурилиш ишини қонунийлик ва шахарсозлик талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга ошириш – хавфсиз ва барқарор инфратузилмани таъминлашнинг асосий шартини ҳисобланади.



Ўғирланган сувга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик бор

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Қарши шаҳридаги “Роғизар” МФЙ ҳудудидан ўтган магистрал ичимлик сув қувурида ноқонуний уланиш ҳолати аниқланди. Ҳолат юзасидан масъул ташкилотлар томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилиб, қонунчиликка мувофиқ қайта ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди.

Дурдона ЭЛМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.

Маълум бўлишича, фуқаро П.И. ўзига тегишли автомобиль ювиш шохобчасида магистрал Д-1000 мм ичимлик сув қувурига Д-20 ммли қувур орқали ўзбошимчилик билан уланиб, ноқонуний равишда сувдан фойдаланиб келган. Мазкур ҳолат юзасидан “Сув таъминоти” АЖ томонидан 2026 йил 21 январда 002607-сонли далолатнома тузилди. Шунингдек, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 2026

йил 23 январда 04-сонли ҳулоса расмийлаштирилди.

Урганишлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонунининг бир қатор моддалари бузилгани қайд этилди.

Жумладан:

- 36-моддага кўра, жисмоний ва юридик шахслар ичимлик суви таъминоти тармоқларига фақат техник шартлар асосида ва белгиланган улаш нуқтаси орқали уланиши шарт;
- 37-моддага асосан, сув таъминоти хизматлари истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади;
- 38-моддада шартнома тузмасдан сув таъминоти хизматларидан фойдаланиш тақиқланиши белгиланган;
- 48 ва 50-моддаларга мувофиқ, ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатларида сарфланган сув ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;
- 52-моддада эса етказилган зарар айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланиши шартлиги белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорига мувофиқ, марказлашган сув таъминоти тизимларида ўзбошимчилик билан уланиш қатъиян тақиқланади. Бундай ҳолат аниқланган тақдирда, икки нусхада далолатнома тузилиб, етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур ҳудуд аввал текширувдан ўтмагани сабабли, қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш даври даво муддатига тенг деб олинди. Яъни, жами 1095 кун (3 йил) учун қайта ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Қонун талабларига кўра, юридик шахслар томонидан ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатида сарфланган сув ҳажми қувурнинг сув ўтказиш қуввати асосида аниқланади. Шу тартибда олиб борилган ҳисоб-китоб натижасида автомобил ювиш шохобчаси томонидан етказилган зарар миқдори 243 045 460 сўм деб белгиланди.

Ноқонуний уланишлар – жамият манфаатига зарар

Мутахассисларнинг таъкидлашича, магистрал сув тармоқларига ноқонуний уланиш сув босимининг пасайишига, аҳолига етказиб берилаётган ичимлик суви сифат ва ҳажмининг камайишига, инфратузилмага шикаст етишига, давлат ва таъминотчи корхоналарга молиявий зарар етказилишига олиб келади.

Бу каби ҳолатлар нафақат қонунбузарлик, балки бошқа истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол этилишига ҳам сабаб бўлади. Мутасаддилар барча тадбиркорлар ва фуқароларни сув таъминоти тармоқларига фақат қонунчиликда белгиланган тартибда, техник шартлар ва расмий шартнома асосида уланишга чақирмоқда. Ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, етказилган зарар тўлиқ ҳажмида ундирилиши, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилиши таъкидланмоқда.



Ваъдалар қоғозда қолиб кетмаса бўлди...

Бугунги кунда барча ҳудудларда фуқароларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалласи ҳам ана шундай янгиланишлар жараёнида.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бироқ маҳалланинг айрим ҳудудлари ҳали-ҳамон эски муаммолар қуршовида. Жумладан, Ҳовли Поён кўчаси аҳолиси йиллар давомида икки асосий қийинчиликдан азият чекади. Биринчи – ёзнинг бугуви чанги ва кишининг ўтиб бўлмас балчиқ кўчалари бўлса, иккинчиси – ичимлик суви тақчиллигидир.

Маҳалланинг бошқа қисмларида замон талабларига мос шароитлар яратилган бир пайтда, айнан шу ҳудуднинг эътибордан четда қолаётгани фуқароларнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг сўзларига кўра, кучли шамолда чанг ва қум ҳаво хонадонлар ичига кириб, инсон саломатлигига, айниқса, нафас йўллари зарар етказиши, ёнғингарчилик мавсумида эса кўчалар мактаб ўқувчилари ва кексалар учун ҳақиқий синов майдонига айланади.

Бу борада туман ҳокимининг Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини бўйича ерданчи Аслбек Шамсиев ҳудуддаги муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиши белгиланганини билдириб, шундай деди:

– Режага кўра, йўлларни асфальтлаштиришдан аввал, ҳудудга ичимлик суви тармоғини тортиш масаласи устувор вазифа сифатида қўйилган. Ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари 2026 йилнинг иккинчи чорагидан сўнг бошланади. Амалдаги тартибга мувофиқ, аввал сув линиялари ётқизиши, сўнгра, тупроқнинг зичлашиши ва ернинг ўрнашиши (посадка бериши) учун камидо олти ой вақт ўтиши шарт. Шундан кейингина йўлнинг устки қисмида асфальт ётқизилади. Унга қадар қулайлик сифатида сув линиялари ётқизиладиган жараёнда кўчаларга шағал тўшаб берилади.

Таъкидланишича, ичимлик суви муаммосини қисман бўлсада юмшатиш мақсадида жорий йилнинг март ойида иккита тик қудуқ қазиб ишлари бошлангани маълум қилинди. Ушбу қудуқлардан бири айнан Ҳовли Поён кўчасида қурилиб, ҳудуддаги 30 та хонадонни охибга билан таъминлашга хизмат қилади. Умумий инфратузилмани яхшилаш доирасида Авлиёқул кишлоғига янги трансформатор ўрнатилади, эски симёғочларнинг бетон устуналарга алмаштирилиши ҳам режалаштирилган. Қолаверса, сув тармоғи тортилган 2 километрик йўлнинг асфальтланиши ҳам белгиланган.

Ҳудудда ижтимоий соҳада ҳам сезиларли ўзгаришлар кутилмоқда. 2026 йилнинг учинчи чораги якунига қадар 10-сонли мактабда 140 ўринли қўшимча бино қурилади ва 29-сонли боғча капитал таъмирдан чиқарилади. Умумий режа доирасида маҳалланинг инфратузилмасини яхшилашга доир бошқа янгиланишлар ҳам мавжуд. Жумладан, ичимлик суви линияси тортилган ҳудудларнинг 2 километр қисмига асфальт ётқизиш, шунингдек, электр таъминотини яхшилаш мақсадида Авлиёқул кишлоғига янги трансформатор ўрнатиб, эски симёғочларни бетон устуналарга алмаштириш белгиланган. Бу ишлар ҳудудда аҳоли сони ортиши билан боғлиқ бўлган юкломаларни камайтиришга қаратилган.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, Ҳовли Поён кўчаси аҳолисининг дарди ва истаклари оддий – улар ҳам кўшни кишлоқлардаги каби обод йўллардан юришни, тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишни истади. Мутасаддилар томонидан белгиланган режалар ва ваъдалар қоғозда қолиб кетмай, ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши маҳаллий аҳолининг давлатга ва келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Меъморий тафаккур ва маънавий мерос уйғунлиги

Термиз қадимдан Марказий Осиёнинг илмий, маърифий ва ирфоний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган масканлардан бири сифатида эътироф этилади. Бу заминда қадимий маданият қатламлари, исломий тафаккур ва тасаввуф анъаналари ўзаро уйғунлашиб, ўзига хос маънавий муҳитни шакллантирган.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Шу боис, Термиз нафақат географик нукта, балки маърифат ва руҳият чорраҳаси сифатида тарихда алоҳида мавқега эга бўлган. Ана шу маънавий маконда вужудга келган ат-Термизий меъморий мажмуаси оддий зиёратгоҳ доирасидан анча кенг мазмун касб этади. У фақат бир авлиё қабри атрофида шаклланган муқаддас ҳудуд эмас, балки асрлар давомида турли тарихий даврлар меъморий услублари, қурилиш анъаналари ва бадий диди мужассам бўлган ноёб маданий қатламдир. Мажмуа таркибидagi ҳар бир иншоот, ҳар бир гумбаз ва равоқ ўзи барпо этилган даврнинг эстетик қарашлари, диний-фалсафий тушунчалари ва муҳандислик тажрибасини ўзида акс эттиради.

Мазкур мажмуа Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий номи билан чамбарчас боғлиқ. Унинг чуқур ирфоний қарашлари, илм-фанга қўшган ҳиссаси ва маънавий мактаб яратишда-


ги ўрни бу жойни оддий тарихий объектдан муқаддас зиёратгоҳ макомига кўтарган. Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти туфайли мажмуа нафақат меъморий ёдгорлик, балки руҳий мерос тимсолига айланган. Шу маънода, мажмуа тарих, меъморчилик ва тасаввуф уйғунлашган макон сифатида қадрланади. Бугунги кунда ҳам бу маскан асрлар оша яшаб келаётган маънавий мероснинг жонли гувоҳи сифатида аҳамиятини йўқотмаган.

Мажмуанинг дастлабки қисми IX асрда ҳом гиштан барпо этилган хонақоҳдан иборат бўлган. Илк ислом меъморчилигига хос содда, аниқ геометрик тузилиш ва функционал устуворлик бу босқичнинг асосий хусусиятидир. Қалин деворлар, ертўласимон ҳужра, кенг ҳовли – булар зоҳидона ҳаёт тарзини акс эттиради. Бу давр меъморчилигида безак эмас, балки маъно устувор бўлган. Хонақоҳ нафақат ибодат, балки таълим ва ирфоний тарбия маркази вазифасини ўтаган. Демак, архитектура бу ерда маънавий муҳитни шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

IX аср охирида қабр устига жанубга қаратилган мақбара қурилиши билан мажмуа рамзий мазмун касб эта бошлайди. Мақбаранинг жанубий йўналиши қиблага ишора қилади, бу эса диний-меъморий уйғунлиқни кўрсатади. X–XII асрларда мақбарага туташ кичик қорихона, ўғли ал Ҳаким Абдуллоҳ мақбараси ва 3 гумбазли намозгоҳ масжиди қўшилиши билан ансамбль тамойили шаклланади. Бу босқичда равоқли йўлақлар, гумбазли ҳажмлар ва ҳовли атрофида жойлашган иншоотлар Марказий Осиё меъморчилигига хос композицион ечимни намоён этади.

Меъморий юксалиш ва бадий мукамаллик

Темурийлар даврида мажмуа тубдан қайта қурилиб, пишиқ гиштан баланд асос устига барпо этилади. Бу босқич меъморчиликда пропорция, симметрия ва декоратив безаклар



▼ Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси.

уйғунлиги билан ажралиб туради. Хонақоҳ деворларидаги равоқ устунларининг "ромб" кўринишидаги пой-устунларга таяниши конструктив ечим ва эстетик изчиликни ифодалайди. Гумбаз ости шарафасида куйий хатда Куръоннинг 36-сураси битилиши – меъморчилик ва хаттолик санъатининг ажойиб кўринишини ифодалайди.

Мақбара ичидаги ганч ўймакорлиги, юлдузсимон гирих нақшлар, тободон панжаралари ва оқ мрамор сағана – буларнинг барчаси Темурийлар даври тош ва ганч ўймакорлиги мактабининг юксак намунасидир. Сағананинг 3 поғонали тузилиши, исломий нақшлар, муқарнас косачалар ва шамчироқ тасвирлари рамзий маъно юклаб, нур, матрифат ва илоҳийлик тимсолини гавдалантиради.

XVI асрда Абдуллоҳон II ҳукмронлиги даврида ҳазира (ҳовли) ҳудудида 9 гумбазли масжид қурилиши мажмуанинг ҳажмий-меъморий кўламини янада кенгайтирди. Кўп гумбазли композиция жамоавий ибодат меъморчилигининг ривожини кўрсатади. XIX асрда 4 гумбазли масжид барпо этилиши эса давр эстетикаси ва

қурилиш анъаналарининг ўзгаришини акс эттиради. Жанубий кириш қисмидаги янги мақбара ва равоқли боғловчи бўлмалар ансамбль яхлитлигини сақлаган ҳолда, унинг фазовий динамикасини бойитган.

Илмий тикланиш ва замонавий нигоҳ

1955-1957 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида XIV–XV асрларга хос қиёфа қайта тикланди. 1980-1981 ва 2001-2002 йилларда амалга оширилган таъмирлаш ишлари мажмуанинг бадий қийматини сақлаб қолишга хизмат қилди. Бу тикланиш жараёнлари нафақат архитектура, балки миллий ўзлиқни асраш ҳаракати сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасига назар ташлар эканмиз, унда уч асосий услубий қатлам яққол намоён бўлади. Аввало, илк исломий даврга хос соддалик кўзга ташланади – бунда функционаллик ва руҳий муҳит устувор аха-

мият касб этади. Кейинги босқичда Темурийлар даврига хос бадий мукамаллик шаклланиб, унда пропорция, нақш ва хаттолик санъати ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлади.

Шунингдек, кейинги даврларда амалга оширилган кенгайтириш ишлари ансамбль яхлитлигини сақлаган ҳолда уни ҳажмий жиҳатдан ривожлантирган. Мазкур мажмуа гўё вақт билан мулоқот қилувчи меъморий матндир. Ундаги ҳар бир гумбаз, ҳар бир равоқ ва ҳар бир ганч ўйма муайян тарихий даврнинг эстетик диди, маънавий қарашлари ҳамда дунёқарашини ўзида мужассам этади. Бугунги кунда глобаллашув шароитида бундай ёдгорликлар нафақат тарихий объект, балки миллийликни мустаҳкамловчи маданий код сифатида аҳамият касб этади.

Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси бу – фақатгина зиёратгоҳ эмас, балки Марказий Осиё меъморчилиги тараққиётини ўрганиш учун очик дарслиқдир. Шу маънода, уни асраш, яъни фақатгина тош ва ганчни эмас, балки асрлар давомида шаклланган маънавий ва бадий тафаккурни муҳофаза қилиш демакдир.

Фахрийлар

Энергетика соҳасини ривожлантириш – устознинг бош мақсади

▼ Алишер Заҳидов.



Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши аъзоси Алишер Заҳидов 1952 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1976 йил Тошкент политехника институтининг саноат электроникаси мутахассислигини тамомлаб, иш фаолиятини 1976 йил Тошкент Агрегат заводида электромонтаж устаси сифатида бошлаган. Корхонада қишлоқ хўжалиги машиналари учун асосий ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритиб, ишга бўлган масъулияти, тартиб-интизоми, билими билан жамоада ҳурмат қозонган.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида
Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Фаолияти давомида Тошкент тумани электр тармоқлари корхонасида (участка) худудий мастер, "Нихол" ишлаб чиқариш заводида бош энергетик, Тошкент вилояти электр тармоқлари корхонасида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари вазифаларида ҳам ишлаб, Тошкент вилоятида жойлашган саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳолини сифатли, узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш жараёнига ўз ҳиссасини қўшган.

Шунингдек, "Меҳри савдо" давлат корхонасида энергетик, "Ўзбекэнерго" ДАҚда етакчи инженер, "Elektrqishloqqurilish" АЖда муҳандис, бўлим бошлиғи, "Elektro-Qurilish-Montaj-Tatmoq" КТК МЧЖда муҳандис, "Classic build" МЧЖда ишлаб, Тошкент тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш иншоотларини қуриш жараёнида қатнашган. 2024 йилдан бугунги кунга қадар "Elektrqishloqqurilish" АЖда бўлим бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда А. Заҳидов соҳада 48 йиллик тажрибага эга малакали мутахассис сифатида юзлаб шогирдларига ўз тажрибасини ўргатиб келмоқда.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 27-28 февраль, 1-2 март саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш қондалари рия этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ўткиржон Ҳайиталиев,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти юридик бўлим бошлиғи **Ўткир Исмаилов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ муҳандиси **Миркомил Улашев,** техник **Асрбек Ботиров,**

"Ўзоғирсаноатлоиҳа" АЖ ОВ муҳандиси **Қамолддин Ҳайдаров,** ООҲР етакчи муҳандиси **Жамшид Ўрманов,** ОВ муҳандиси **Зухра Зоҳидова,**

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ "Сурхондарё" филиали етакчи архитектору **Акмал Қаҳҳоров,** "O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетаси реклама ва обуна масалалари бўйича бош менежер **Эшмуҳаммад Ҳалилов,**

Анджон вилояти Жалақудук тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Анваржон Аҳмедов,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Бахтиёр Ахроров,** бош мутахассис **Бонатжон Саатов,**

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими

архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Даврон Ризаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Акрам Бердиқулов,**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш объекларини онлайн кузатиш бўлими бош мутахассиси **Сирожиддин Аҳмедов,**

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Халқаро ҳамкорлик ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини шакллантириш бўлими бош мутахассиси **Улуғбек Сариков,** Қорақалпоғистон Республикаси Киргули филиали назоратчиси **Улуғбек Умурзаков,** "Навоий" филиали иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Жавлон Тўрақулов,** Учқудук филиали саноат хавфсизлиги муҳандиси **Фармон Очилов,** Тошкент вилояти филиали авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими тоқари **Дониёр Тошматов,** Бекобод шаҳар филиали қозонхона устаси **Геннадий Цой,** Бўстонлик тумани филиали ПООСИ қозонхона қоровули **Ҳусан Искандаров,** Зангиота тумани филиали 2-сонли қозонхона оператори **Асадулла Айходжаевлар,**

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Бухоро Полизол Сервис" БСК МЧЖ бош директори **Хуршид Раҳматов,** Хоразм вилояти Хива шаҳридаги "Хива калта минор ПБК" МЧЖ бош директори **Раъно Шомуратовани** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" ГАЗЕТАСИГА 2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta O'zbekiston bunyodkori Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Ҳидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Ҷўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Маҳмамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "ЎЗҲШҚЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорантметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Анджон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 241. 1181 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – Топширилди – 2150.